

ЕВРО ҚИЙМАТИ КЎТАРИЛДИ



Лондон валюта биржасида евронинг АҚШ долларига нисбатан қиймати сўнгги саккиз ой ичида биринчи бор тўқсон центга чиқди. Навбатдаги савдода бир евро 0,9034 долларга тенг бўлди. Мутахассислар евро қиймати кўтарилганда давом этишини таъкидламоқда.

АЪЗОЛИК ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Югославиянинг Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)га аъзолиги тикланди. Жамғарма вакилининг айтишича, расмий Бельград бунинг учун зарур бўлган бир неча талабни бажарган. ХВЖ бунга жавобан Югославияга 150 миллион АҚШ доллари миқдоридagi биринчи қарзини ажратган.


УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ЎТКАЗИЛАДИ

Яман ҳукумати келаси йилнинг 20 февралда амалдаги конституцияга ўзгаришлар киритиш масаласида умумхалқ референдуми ўтказишга қарор қилди. Ушунга кўра президент ваколатини беш йилдан етти йилга, депутатларникини эса тўрт йилдан олти йилга узайтириш масаласи ҳал қилинади.

ФОНД БОЗОРИДА ВАХИМА



Япониянинг фонд бозорида ваҳима бошланди. Мамлакатнинг 225 етакчи компанияси қимматбаҳо қоғозлари қийматини белгиловчи Никкэй кўрсаткичи 14 минг иендан пастга тушиб кетди ва 13891,59 иенни ташкил этди. Бундай ҳолат 1998 йил февраль ойидан буён кузатилмаган эди. Мутахассисларнинг фикрича, бунга АҚШ Федерал захира тизимининг банк кредитлари ставкалари фозини камайтирмаслик тўғрисидаги қарори сабаб бўлган. Айни пайтда «Фудзизу» ва «Сони» корпорацияларининг қимматбаҳо қоғозлари шиддат билан қадрсизланиб борапти.



КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ ФИКРИЧА...

Филиппин сенатининг мамлакат президенти Жозеф Эстрадага нисбатан коррупция тўғрисидаги айбномани текшираётган махсус комиссияси давлат бошлигининг махфий банк рақами билан боғлиқ ҳужжатларни кўриб чиқди. Хабарларга қараганда, сенаторлар Маниладаги «Пи-си-ай банк»даги кўп миллион долларлик бу ҳисоб рақамлари ҳақиқатан ҳам президентга тегишли эканини аниқлаган. Ж.Эстрада ўзининг қинғир ишларини айнан шу ҳисоб рақамлари орқали амалга оширган. Кузатувчиларнинг фикрича, бу айблов Филиппин президентининг тақдирини ҳал қилади.

БОШ ПРОКУРОР БАЁНОТ БЕРДИ

Халқаро трибунал бош прокурори Карла дел Понте Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевични халқаро судга топшириш лозимлиги ҳақида яна баёнот берди. Собиқ раҳбар ва унинг сафдошлари томонидан Босния ва Герцеговина, Хорватия ҳамда Косовода амалга оширилган жиноятлардан ҳеч ҳам кўз юмиб бўлмайдди, деди у журналистлар билан учрашувда.

КУТҚАРУВ ИШЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Хитойнинг Ички Мўълистон мухтор туманидаги қонда ўтган ойда юз берган портлаш оқибатида қурбон бўлганларнинг умумий сони 51 та экани маълум бўлди. Ушбу фожида яна 12 киши жароҳатланган эди. Яқинда охириги қончининг мурдаси қазиб олинган, бу ердаги қутқарув ишлари яқун ясалди.

Статистик маълумотларга қараганда, жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида ХХРдаги кўмир қонларида 2200 дан ортиқ киши ҳалок бўлган.

БЕНЗИНГА СПИРТ АРАЛАШТИРИЛАДИ



Колумбияда бундан буён бензин 10 фоз спирт аралаштирилган ҳолда сотилади. Ҳукумат қатор иқтисодий ҳамда экологик муаммоларни ҳал этиш мақсадида шу тўғрисида қарор қабул қилди.

Колумбия нефть экспорт қилувчи давлат ҳисоблансада, нефтни қайта ишловчи саноати ривожланмагани тўғрисида бензинни четдан сотиб олади. Иқтисодий тараққиёт вазири Аугусто Рамиреснинг айтишича, янги қонун бензин импортининг ҳажми 150 миллион АҚШ долларига қисқаришини таъминлайди.

БИР ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНДИ



Аомэн (Макао) махсус маъмурий тумани қайта Хитой таркибига қўшилганининг бир йиллиги кенг нишонланди. Тантаналарда Хитой раҳбари Цзян Цзэмин иштирок этди.

Аомэн 400 йил давом этган Португалия истибодидан сўнг ўтган йилнинг 20 декабрида ХХР таркибига расман қўшилган эди. Хитой 50 йил давомида ушбу ҳудуднинг ички ишларига аралашмаслик мажбуриятини олган. Айни пайтда ХХР Аомэн иқтисодийнинг ривожланишига сезиларли молиявий ёрдам кўрсатмоқда.

ЙИРТИЛГАН ҚУЛОҚ



ТАН ЖАРОҲАТИДАН ОГИР МАЪНАВИЙ ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДА

ни йўқотиб, 3-гуруҳ ногирони бўлиб қолади. Тўғри, у соғлигини йўқотганлиги учун қонун томонидан белгиланган имтиёزلарга эга бўлиб албатта, бироқ унга етказилган маънавий зарарчи! Ахир иш жараёнида ўзига даъво аризаси киритди. Туман суди Р. Жўраевга етказилган 30 минг сўмлик маънавий зарарни ундириш ҳақида қарор чиқарди ва қарор ижроси таъминланди. Шундай даъво аризалар йўл қондаларини бузиб, автоулов ҳодисасини содир этган жавобгар Б. Болтабоев ва И. Султоновларга нисбатан кўзгатилиб, суд қарорига биноан жабрланувчиларга етказилган маънавий зарар ундириб берилди. Яқинда Риштон туманида

булиб ўтган автоулов ҳодисаси юзасидан утказилган тергов ишлари ва суд жараёни фуқароларга етказилган маънавий зарар жиддий масала эканлигини кўрсатди. Фуқаро М. Аҳмедов «ВАЗ-2106» машинасида Риштон шаҳридан Боғдод туманига кетаётган Бужай қишлоғида велосипед миниб кетаётган О. Соҳибназаровни уриб юборади. О. Соҳибназаровга тан жароҳати етказилди. Автофалокат натижасида у ўнг қулғидан ажралади. Риштон туман прокуратураси томонидан туман судига киритилган даъво аризасига кўра, О.Соҳибназаровга 18 минг сўм моддий зарар етказилган. Лекин прокуратура О.Соҳибназаровнинг қулғидан ажралиб қолганлиги оқибатида етказилган моддий зарарни ҳам даъво аризасида кўрсатди. Риштон туман суди 2000 йил сентябрь ойида ушбу даъво аризасини кўриб чиқиб, унга етказилган маънавий зарар учун 600 минг сўм миқдорда маблағ ундириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Тан жароҳати тез битади, лекин маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш қийин. Инсонларнинг асаб бузилиши, қимматли вақтини йўқотиши, соғлиқдан айрилиши ҳам жуда катта йўқотиш ҳисобланади. Биз эса гоҳо шу нарсаларга аҳамият бермаймиз. Ҳолбуки, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш сари олға интилаётган эканмиз; фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ билишлари ва шу ҳуқуқлардан тўла тўкиқ фойдаланишлари даркор.

■ **Нўмонжон ИСАҚОВ,** Фарғона вилоят прокурори Уринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

«STOMASERVICE» ЖАМОАСИ

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЯНГИ — 2001 ЙИЛ БИЛАН МУБОРАҚБОД ЭТАДИ.

XXI аср ҳар биримизнинг хонадонимизга тўкин-сочинлик, файзу барака келтирсин. Юртимизда тинчлик ва барқарорлик бардавом бўлсин.

«STOMASERVICE» — жаҳон андозалари асосидаги стоматологик хизматдир. Шундай улуг кунларда Сиз билан юзма-юз келиб, Сизнинг хизматингизга чоғланиш биз учун шараф ва қувончдир!

«STOMASERVICE» жамоаси

«Тошкентдонмаҳсулот» дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш уюшмаси Кузатув кенгаши ва бошқаруви кенгаши акциядорларига шунинг маълум қиладики, 2000 йил 5 декабрдан биноан «Тошкентдонмаҳсулот» дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш акциядорлик уюшмаси «ТОШКЕНТ — ГУРУЧ» очик акциядорлик жамияти деб ўзгартирилди. Нақд акция эгалари — акциядорлар бир ой муддат ичида ўз акцияларини янги сўра алмаштириши учун топширишларини сўраймиз. *Кузатув кенгаши*

«АААН СЕРВИС» АЖ

барча турдаги **тракторлар** эҳтиёт қисмларини **ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Ўзбекистонда ҳақиқатан Т-28, МТЗ-80, «Амат» ва бошқа русумли тракторлар ҳамда ҳар хил русумли юк ташувчи автомобилларини 500 дан ортиқ эҳтиёт қисмлари тўла ўзлаштириш ёқин билан сотилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Жарғўн кўчаси, 43-уй. «Сельхоззапчасти» дўкони. Телефон: (3712) 96-63-21, 191-93-82.

ДОРОГИЕ ДРУЗЬЯ!

Государственное предприятие «Узбекжелдорэкспедиция» ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» сердечно поздравляет Вас с наступающим Новым Веком, Новым 2001 годом! Желаем счастья, мира и добра.

In new century with reliable partner!

7, T. Shevchenko str., Tashkent, 700060
Tel: (+998 712) 59-58-12, 59-62-63, 136-43-52
Fax: (+998 71) 133-45-49, 132-04-49, 132-04-36
E-mail: uzbekzhd@online.ru

ГП «УЗБЕКЖЕЛДОРЭКСПЕДИЦИЯ» — ВАШ НАДЕЖНЫЙ ПАРТНЕР НА РЫНКЕ ТРАНСПОРТНЫХ УСЛУГ!

Ут, сафро (бууракаага), ошқозон-ичак огриқларига самарали дори

АСПАЛЬГИН

Бу дори кулли огриқни босади

ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ

DUSHANBA 23

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Авборот».

SESHANBA 26

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Авборот».

JUMA 29

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Авборот».

10.00 «Янги авлод» почтаси, «Мультимоша».

12.00 «Ешлар» телеканалида спорт: Футбол: Хатфинг энг яхши ўйини.

10.00 «Янги авлод» почтаси, «Мультимоша».

SHANBA 30

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Авборот».

12.00 «Ешлар» телеканалида спорт: Футбол: Хатфинг энг яхши ўйини.

12.00 «Ешлар» телеканалида спорт: Футбол: Хатфинг энг яхши ўйини.

SHANBA 30

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Авборот».

12.00 «Ешлар» телеканалида спорт: Футбол: Хатфинг энг яхши ўйини.

12.00 «Ешлар» телеканалида спорт: Футбол: Хатфинг энг яхши ўйини.

SHANBA 30

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Авборот».

12.00 «Ешлар» телеканалида спорт: Футбол: Хатфинг энг яхши ўйини.

12.00 «Ешлар» телеканалида спорт: Футбол: Хатфинг энг яхши ўйини.

SHANBA 30

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Авборот».

12.00 «Ешлар» телеканалида спорт: Футбол: Хатфинг энг яхши ўйини.

12.00 «Ешлар» телеканалида спорт: Футбол: Хатфинг энг яхши ўйини.

БОШ МУХАРРИР

Азим СУЙОН

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

- Абдулло ОРИПОВ
Абдулқофис ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ИҲУДШЕВ

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БУЛИМЛАР:

- Сайбат ва ҳуқуқ — 133-44-55
Иқтисодий — 133-76-04

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

- Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР Кўчаси, 32-уй.

Набатчи

Турсулдан УРМОНОВ
Газета «Ўзбекистон овозининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети жамоаси атоқли тилшунос олим, филология фанлари доктори, академик ИРИСТОЙ КўЧҚОРТӨВНИНГ вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.